



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ



*“Малакали мутахассис тайёрлашда бемор билан мулоқот ва амалий
кўникмаларни ўргатиш муаммолари, ҳамда уларнинг ечимлари”
ўқув-илмий-амалий анжуман тўплами*

*Сборник учебно-научно-практической конференция
“Общение с пациентом, проблемы обучения практических навыков
и их решения при подготовке квалифицированных специалистов”*

*Collection of educational-scientific-practical conference
“Communication with the patient, problems of training of practical skills and
their decision when training qualified specialists”*



Тошкент 2018

Ҳурматли ўқув-илмий-амалий анжумани иштирокчилари!

Сизни Тошкент давлат стоматология институти томонидан ўтказилаётган анжуманга ташрифингиздан жуда ҳам мамнунман. Бугунги халқаро иштирокдаги анжуман тиббиёт соҳасидаги таълимнинг ривожига сезиларли таъсир кўрсатади, деб ишонаман.

Ҳозирги кун талаблари биздан энг сўнги таълим технологияларини билишни, уни амалиётга тадбиқ этишни талаб этмоқда. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги 2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори, 2017 йил 5 майдаги ПҚ 2956-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббиёт таълими тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ҳамда “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон қарорлари ижросини таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Тиббий таълим ривожланишининг ҳозирги замон босқичида олий таълим муассасаларида клиник-амалий фанларни ўқитиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Назарий ва амалиётни узвийликда 50/50 нисбатда олиб борилиши талабаларда фанга бўлган қизиқишининг ортиши ва билимларининг мустақамланиб, амалиётга тайёр бўлишига замин яратади. Натижада фақатгина бир ёқлама тайёрланган оддий шифокор эмас, балки ижодий фикрловчи, истиқболни тасаввур этувчи, тараққиётни таъминловчи мукамал шахс, тўлиқ шаклланган мутахассис тайёрлашга эришамиз.

Ўзбекистонда ёшларни интеллектуал жиҳатдан юксак савияда тарбиялаш, уларни ўз соҳасининг етук касб соҳиби қилиб тайёрлашга ва энг асосийси бугунги кун талабига жавоб берадиган, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга жиддий эътибор берилмоқда. Юқоридаги қарорларнинг талабларидан келиб чиқиб ташкил этилган мазкур халқаро иштирокдаги ўқув-илмий-амалий анжуман тиббиёт соҳаси таълимининг сифатига ва самарадор-лигига ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман. Зеро, ушбу анжумандаги маърузаларнинг мавзуси, маърузачиларнинг илмий салоҳияти, иштирокчиларнинг кенг қамровли аудиторияси унинг ҳар томонлама фойдали бўлишини таъминлайди. Ўқув-илмий-амалий анжуман ишига, иштирокчиларнинг илмий-педагогик фаолиятига ютуқлар тилайман.

Жасур РИЗАЕВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат стоматология институти ректори

- поиска информации в сети - использование web-браузеров, баз данных, пользование информационно-поисковыми и информационно-справочными системами, автоматизированными библиотечными системами, электронными журналами;
- организации диалога в сети - использование электронной почты, синхронных и отсроченных телеконференций;
- создания тематических web-страниц и web-квестов - использование html-редакторов, web-браузеров, графических редакторов.

Заключение

Важность и необходимость качественной подготовки студентов-выпускников медицинских вузов в системе подготовки будущего специалиста неоспорима. Очень важно, чтобы в результате этого обучения каждый студент овладел теми знаниями, умениями и навыками, которые позволят ему по окончании вуза работать в учреждениях первичного звена здравоохранения, конечно же, в течение первого года под контролем старших коллег, но все же самостоятельно.

Основными задачами самостоятельной работы студентов при обучении в медицинском вузе должны стать:

- определение и обоснование необходимого минимума разделов, тем, вопросов, заданий, выносимых на аудиторную и внеаудиторную самостоятельную работу студентов;
- определение содержания и объема теоретической учебной информации и практических заданий по каждой теме, которые выносятся на самостоятельную работу;
- отбор и предложение методов и форм самостоятельной работы студентов в соответствии с современными технологиями обучения;
- определение форм и методов контроля выполнения самостоятельных заданий студентами;
- разработку критериев оценки результатов внеаудиторной работы самостоятельной работы, с учетом требований к уровню подготовки студентов, определенных государственным образовательным стандартом высшего профессионального образования.

«MOODLE LMS» MASOFAVIY ŐKITISH TIZIMIDAN TALABALAR MUSTAQIL TAŐLIMINI TASHKIL ETISH IMKONIYTLARI

Ражабов Э.Э., Байдуллаев А.С.

Тошкент фармацевтика институти, Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўзда тутилган замонавий етук кадрларни тайёрлашда ўқув жараёнига ахборот технологияларини кенг қўллашни тақозо этади. Ҳозирги даврда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган жамият учун таълим – энг муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади. Халқнинг фаровон турмуш тарзи таълимнинг нечоғли сифатли ва самарадорлигига боғлиқ. Ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятда халқ хўжалигининг барча соҳаларида юқори малакали кадрларни кўпайтириш жуда муҳим ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ёшларни юксак ахлоқли, маънавиятли ва маърифатли, меҳнатга виждонан муносабатда бўлишга, жамият ва оиласи олдида ўз маъсулиятини чуқур англаб етувчи, рақобатбардош, малакали

мутахассис қилиб тайёрлаш ва тарбиялаш вазифаларни ҳал этиш учун замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, таълимни оптималлаштириш, инсонпарварлаштириш ва инновацион методлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш долзарб ҳисобланади [1,2].

Материаллар ва методлар: Ҳозирги кунда талабалар тез, кўп, ишонarli маълумотларга эга бўлишлари ва ўзлари мустақил билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шулар жумласидан, электрон мажмуалар талабалар учун фанга оид бўлган муҳим маълумотларни исталган масофадан ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишлари мумкин.

Очиқ кодли «Moodle LMS» дастурий комплекси Интернет тармоғидан фойдаланиб, таълим жараёнини бошқариш учун махсус яратилган (Learning management system – LMS) тизим ҳисобланади [3,6].

Moodle LMS тизими асосида электрон мажмуанинг асосий вазифаси профессор-ўқитувчи ҳамда талаба ўртасидаги турли хил электрон ресурслар алмашилиш, мажмуага вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самарасини оширишдир.

Moodle LMS тизими асосида электрон мажмуани яратишда профессор-ўқитувчиларнинг асосий вазифалари қуйидагича бўлади. Фанлар кесимида электрон ресурсларни жойлаштиради, талабаларни тегишли ресурслардан фойдаланиши учун рухсат беради, ресурсларни мунтазам янгиллаб боради, тугалланган фанларни базадан ўчириб ташлайдилар. Талабалар эса ўзлари мустақил тарзда мажмуа жойлашган веб-сайтда рўйхатдан ўтиб, қидирув тизими орқали зарур фан ёки профессор-ўқитувчини излаб топиб, ресурслардан фойдаланишга рухсат сўрайди. Профессор-ўқитувчининг тегишли рухсатидан сўнг очиқ ресурслардан фойдаланиш имкониятга эга бўладилар.

Тизимда ишлаш учун, MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ) ҳаракатини қўллайдиган ва PHP препроцессорли ҳар қандай платформада ишлаш қобилиятига эга бўлган сервердан фойдаланиш зарурдир.

Тизимни жойлаштириш (Сервер конфигурацияси ва дастурий таъминотини қўшган ҳолда) бир неча кунда амалга оширилади. Ундан сўнг шахсий таълим структурасини таркиб топтириш мумкин [4,5].

Moodle LMS тизими асосида электрон мажмуанинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

–Талабалар ушбу блокка ташриф буюриб, керакли бўлган маълумотларни олдиндан юклаб олиш ва мустақил таълим олиш имкониятига эга бўлади.

–Профессор-ўқитувчи тизимга қўшимчалар киритиш, тегишли материаллар қўйиш, муҳим эълон ва баҳолаш натижаларини жойлаштириб бориши каби оператив ўзгартиришларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

–Профессор-ўқитувчилар ўз педогогик усулларини намоён эта олишига кенгроқ имконият юзага келади, мультимедиа ресурсларини тўғридан-тўғри жойлаштириш мумкин ва энг муҳими, профессор-ўқитувчининг тизим материаллари сифатини таъминлашдаги масъулияти ошади.

–Талабаларга масофада туриб маълумотларни олиш имконияти юзага келади ва қоғоз сарфи камаяди.

Moodle LMS тизимида ҳар қандай таълим функцияларини амалга ошириш учун 20 тадан ортиқ курс элементларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратилган, хусусан:

- таълим олувчига ҳар қандай кўринишда (текст, файл ва ҳк.) жавобларни жўнатиш имконини берувчи топшириқлар;
- бошқаришнинг кенг имкониятларини кўриб чиқиш учун форумлар;
- чатлар;
- GIFT и HotPot форматларини ўз ичига олган, тестларни тайёрлашнинг ҳар қандай тизимидаги топшириқларни қабул қилиш имконинини берувчи тест тизимлари;
- ўқув курсларини бошқариш тизими (мавулар сони, структураси, календарь график ва б.)
- йил давомида ҳамма категориядаги фойдаланувчиларнинг логинларини сақлаб, ҳаракатларни ҳисобга олиш тизими;
- ҳар хил категориядаги фойдаланувчиларнинг кириш ҳуқуқларини чеклаш ва функцияларни тақсимлашни таъминловчи авторизация ва муаллифлаштириш тизими;
- хабарлар алмашиш тизимини ривожлантириш ва х.к.

Натижалар: Тошкент фармацевтика институти марказий услубий кенгаши қарори билан Moodle LMS масофавий таълим тизимини ўқув жараёнида қўлланиш учун тавсия этилди [5].

Ҳар бир фан бўйича маълумотлар базасини таъминлаш ва тўлдириш фан бўйича профессор-ўқитувчиларга топширилди.

Moodle LMS тизими Тошкент фармацевтика институти, Ахборот технологиялари марказида алоҳида ажратилган серверга ўрнатилган ва <http://moodle.pharmi.uz/moodle/> веб-манзили бўйича фойдаланиш имконияти яратилган.

2015-2016 ўқув йилининг II-семестри ва 2016-2017 ўқув йилининг I,II-семестридан <http://moodle.pharmi.uz/moodle/> тизими тажрибадан ўтказилди ва Информатика ва ахборот технологиялари фанларидан талабаларни ўқитишда қўлланилиб апробациядан ўтди.

Хулосалар: Moodle LMS тизими асосида электрон мажмуадан фойдаланиш талабалар учун ўз билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, нафақат ўз мутахассисликлари бўйича балки кенг доирадаги фанларга оид ахборот - ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Бу эса талабаларни олган билимларини келажакда самарали қўллай олишларига имконият яратади.

Эксперимент натижалари шуни кўрсатдики, Moodle LMS тизимидан ўқув жараёнининг талабалар мустақил таълимини ташкил этишда фойдаланиш профессор-ўқитувчилар учун ҳам, талабалар учун ҳам қулай эканлиги аниқланди ва талабалар томонидан бошқа фанларни ҳам Moodle LMS тизимидан фойдаланиб ўқитиш таклифлари киритилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

3. Анисимов А.М. «Работа в системе дистанционного обучения Moodle», Учебное пособие 2-е издание, исправленное и дополненное. – Харьков-ХНАГХ.; 2009. -С. 6-34.
4. Клейносова Н.П., Кадырова Э.А., Телков И.А., Хруничев Р.В. «Проектирование и разработка дистанционного учебного курса в среде Moodle 2.7», Учебно-методическое пособие Рязанский государственный радиотехнический университет. –Рязань.; 2015. -С. 55-141.
5. Байдуллаев А.С., Самигова Н.Х., Қодирова Г.А. Moodle LMS тизимида масофавий курслар яратиш. Тошкент фармацевтика институти профессор-ўқитувчиларининг мустақил таълимда Moodle тизимидан фойдаланишлари учун ўқув-услугий қўлланма. –Тошкент.; 2017. 44-81 б.
6. <http://rumoodler.com> – Moodle – учебник для начинающих.
7. <http://moodlebook.ru/> – Учебное пособие Moodle.

МЕТОДИКА ПРОВЕДЕНИЯ ПРАКТИЧЕСКОГО ЗАНЯТИЯ ПО БИОФИЗИКИ НА ТЕМУ: “ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВЛАЖНОСТИ ВОЗДУХА И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА ОРГАНИЗМ ЧЕЛОВЕКА ”

Рахимова Х.Ж., Нурматова Ф.Б.

*ТГСИ, кафедра биофизики, информатики и организационного
управления.*

Известно, что воздух неотъемлемая часть в жизни каждого человека, т.е один из источников жизни. Человек не может жить без воздуха. В воздухе всегда есть водяной пар. Он образуется в результате испарения воды с поверхности океанов, морей, озер, водохранилищ, рек и т.д. От количества водяного пара, содержащегося в воздухе, зависит погода, самочувствие человека, функционирование многих его органов и т.д. Влажность влияет не только непосредственно на самого человека, но и на окружающий его мир. Поэтому очень важно следить за влажностью воздуха, уметь измерять ее. Влажность воздуха является одним из основных параметров микроклимата помещения, и поэтому нас интересовала проблема определения влажности воздуха в разных помещениях нашего учебного заведения. Таким образом каждый из нас должен знать каким воздухом он дышит, и соответствует ли его концентрация для хорошего самочувствия и здоровья.

Основная цель данной работы: изучение и измерение влажности воздуха, а также влияние ее на жизнедеятельность человека.

Методы работы: изучение литературы, наблюдение, сравнение и анализ, исследовательская работа.

Важной характеристикой состояния атмосферы является влажность воздуха или степень насыщения воздуха водяными парами. Она выражается отношением содержания водяных паров в воздухе к их содержанию при насыщении воздуха при данной температуре. Для количественной оценки влажности воздуха используют абсолютную и относительную влажность воздуха.

Абсолютную влажность воздуха измеряют плотностью водяного пара, находящегося в воздухе, или его давлением Па. Если температура низка, то данное количество водяного пара в воздухе может оказаться близким к насыщению, воздух будет сырым. При более высокой температуре то же количество водяного пара далеко от насыщения, воздух – сухой. Для суждения о степени влажности важно знать, близок или далек водяной